

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ**

**АХУНОВ ТАЛЪАТ АХМАТОВИЧ**

**ТАНЛАНГАН ГРАВИТАЦИОН ЛИНЗАЛАНГАН КВАЗАРЛАРНИНГ  
ПЗС - ФОТОМЕТРИЯСИ ВА КЕНГ МАЙДОНЛАР ҲОЛАТЛАРИ**

**01. 03. 01 - Астрономия**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Автореферат "Til va adabiyot ta'limi" журнали таҳририятида таҳрирдан ўтказилиб,  
Ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги матнлар ўзаро мувофиқлаштирилди (26.02.2019 й.)

**Тошкент - 2019**

**Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Content of the dissertation abstract of the doctor (DSc) on physical and mathematical  
sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) по физико-математическим  
наукам**

Ахунов Таълат Ахматович Танланган гравитацион линзаланган квазарларнинг ПЗС- фотометрияси ва кенг майдонлар ҳолатлари. . . . .	3
Akhunov Talat CCD-photometry of selected gravitationally lensed quasars and wide field cases. . . . .	25
Ахунов Таълат Ахматович ПЗС-фотометрия избранных гравитационно-линзированных квазаров и случаи широких полей. . . . .	45
Эълон қилинган ишлар рўйхати List of published works Список опубликованных работ . . . . .	57

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ**

**АХУНОВ ТАЛЪАТ АХМАТОВИЧ**

**ТАНЛАНГАН ГРАВИТАЦИОН ЛИНЗАЛАНГАН КВАЗАРЛАРНИНГ  
ПЗС-ФОТОМЕТРИЯСИ ВА КЕНГ МАЙДОНЛАР ҲОЛАТЛАРИ**

**01.03. 01 - Астрономия**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2019**

**Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.DSc/FM121 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Астрономия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.inp.uz](http://www.inp.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Нуритдинов Салахитдин Насритдинович**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Чернин Артур Давидович**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Коршунова Наталья Александровна**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Туракулов Зафар Ялкинович**  
физика-математика фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** **В.Г. Фесенков номидаги Астрофизика институти**  
Олмаота ш., Қозоғистон Республикаси

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти, Астрономия институти, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Улуғбек кўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-41; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: [info@inp.uz](mailto:info@inp.uz)).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент шаҳри, Улуғбек кўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2019 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**М. Ю. Ташметов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ф.-м.ф.д., профессор

**Э.М.Турсунов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

**И. Нуритдинов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ф.-м.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда гравитацион линзаланиш ҳодисаси ва айниқса, гравитацион линзаланган квазар (ГЛК)лар билан боғлиқ объектларнинг тадқиқоти замонавий кузатув космологиясининг энг муҳим масалаларидан биридир. Бундай объектлар Ердаги замонавий ва космик асбобларнинг ажрата олиш имкониятидан жуда юқори бўлган улкан табиий телескоп сифатида хизмат қилади. ГЛК физикасининг кўплаб муаммоларини ечиш учун, аввало, линзаланган квазарларнинг мавҳум тасвирлари орасидаги кечикиш вақтлари ва улардаги микролинзаланиш ҳодисаларининг тадқиқоти зарур, бу эса фақат уларнинг фотометрияси орқали амалга оширилиши мумкин. Мавҳум компоненталар орасидаги кечикиш вақтини аниқлаш Хаббл доимийси, манба ва линзанинг қизилга силжишлари ҳамда линзанинг гравитацион потенциали билан тўғридан-тўғри боғланган. Микролинзаланиш эса массив ва бошқа ҳеч бир йўл билан кўра олиш мумкин бўлмаган кўринмас объектларни ёки материя тўдаларини аниқлаш имкониятини беради. Туғилаётган галактикаларнинг бошланғич босқичлари ва қорамтир материянинг тузилиши фақат гравитацион линзаланиш туфайли мукамал кузатилиши мумкинлигидан диссертация ишининг долзарблиги келиб чиқади.

Ҳозирги кунда етакчи тадқиқотчилар томонидан гравитацион линзаланиш соҳасида қатор муҳим кашфиётлар очилган. Масалан, бизнинг Галактикамизда кичик массали юлдузлар кўринишидаги қорамтир материянинг улуши аниқланди, энг кичик массали экзосайёраларнинг бири топилди. Коинотдаги энг массив йирик масштаби тузилмалар аниқланди ҳамда қорамтир материя борлигининг тўғридан-тўғри эмпирик исботи топилди. Хаббл доимийсининг ўлчашлари олиб борилмоқда. Кузатишлар натижасида қизилга силжиши  $z > 7$  бўлган энг узоқ квазарлар топилди ва 150 дан ортиқ ГЛКлар аниқланди.

Мамлакатимизда гравитацион линзаланишнинг кузатув ва назарий тадқиқотларнинг аспектларига ҳам катта эътибор берилади. Мамлакатимиз илм-фан ривожига ҳамда фундаментал тадқиқот натижаларини ҳаётга татбиқ қилиш учун ушбу фундаментал тадқиқотларнинг йўналишлари Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар<sup>1</sup> стратегиясига бевосита боғлиқ. Бу борада Майданак обсерваториясида охириги 20 йилдан бери перспектив бўлган ГЛКларнинг фаол равишда мониторинг кузатувлари олиб борилади, узоқ йиллик бир текис мониторинг асосида ноёб улкан кузатув маълумотлари тўпланган. Қатор ГЛКлар линзаланган тасвирларининг равшанлик эгри чизиқлари таҳлили олиб борилди, қора ўра атрофида кучсиз линзаланиш ҳолида ёруғлик нурларининг синиш бурчаги учун аниқ ифодалар қўлга киритилган. Аммо шу билан бирга айрим ечилмаган масалалар ҳам қолмоқда, хусусан, шу вақтгача ушбу

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони.

диссертациянинг тадқиқот объектларида микролинзаланиш туфайли юзага келадиган ўзгарувчанлик амплитудасининг етарли аниқликдаги қиймати ва давомийлиги бизга маълум эмас, микролинзаланиш характери ўзи номаълум, баъзан эса ҳаттоки, линзаловчи жисмнинг қизилга силжишини аниқлашда ноаниқликлар мавжуд, шу кунгача кенг майдонлар ҳолатлари масаласи ўрганилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонида, 2018 йил 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан чоп этилган "2019-2021 йилларда Ўзбекистонда тузилмали ислоҳотларнинг асосий йўналишларининг йўл харитаси"да ҳамда ушбу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланиши П. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналишига мовофик бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.** Гравитацион линзаланиш ҳодисасининг умумий тадқиқоти, хусусан, линзаланган квазарлар, уларни кашф этиш, электромагнит нурланишнинг турли диапазонларидаги кузатуви, кузатув маълумотларини қайта ишлаш ва уларни таҳлил этиш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари қатор етакчи илмий тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртларида, жумладан, Москва давлат университетининг Штернберг номли Астрономия институти (Россия), Астрономия Маркази ва Хейдельберг университетининг Астрономик ҳисоблашлар институти, Потсдам астрофизика институти, Макс Планк жамиятининг Астрофизика институти (Германия), Лозанна Федерал Политехника мактабининг Астрофизика лабораториясида (Швейцария), Дарем университетининг Ҳисоблаш космология институти, Кембридж университетининг Астрономия институти (Буюк Британия), Варшава университетининг Астрономик обсерваторияси (Польша), Космик тадқиқотлар институти (Нидерландия), Льеж университетининг астрофизика ва геофизика институти (Бельгия), Космик фанлар халқаро институти (Берн, Швейцария), Бошланғич Коинот тадқиқот маркази, Токио университетининг физика бўлими (Япония), Япония Миллий астрономик обсерваториясининг Субару телескопи, Кантабрия университетининг замонавий физика бўлими (Испания), Харьков Миллий университетининг Астрономия институти, Украина фанлар Миллий академиясининг радиофизика ва электроника институти (Украина), Космик телескоп ёрдамида Космос тадқиқоти институти (Балтимор, АҚШ), ЎЗР ФА Астрономия институти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Гравитацион линзаланган квазарларни тадқиқот этиш бўйича жаҳон миқёсида бир қатор илмий натижалар олинган, жумладан: Магеллан Булутлари юлдузларининг кузатуви орқали кичик массали юлдузлар кўринишидаги қорамтир модданинг бизнинг Галактикамиздаги улуши аниқланган. Микролинзаланиш таҳлили ҳозирги кунда маълум бўлган энг кичик экзосайёралардан бирини топишга имкон берди, бундан эса массаси Нептунникига яқин бўлган сайёралар газсимон гигантларга нисбатан кўпроқ тарқалганлиги келиб чиқади (Зарралар астрофизикаси маркази; Калифорния университети; Париж астрофизика институти). Катта майдонларда галактикалар эллиптиклигининг статистик таҳлили Коинотдаги массив йирик масшабли тузилмаларни топди. Хаббл телескопида иккита қўшилаётган галактикаларнинг кузатуви ҳамда линзаланиш хариталарини тузиш қорамтир модда борлигининг тўғридан-тўғри эмпирик исботини топишга имкон берди (Канада назарий астрофизика институти; Кавли номидаги зарралар астрофизикаси ва космология институти). Гравитацион линзаларни систематик қидириш бўйича қатор ноёб дастурлар ишлаб чиқилди, спектроскопик ҳамда оптик кузатувлар орқали ГЛКга номзодлар ва кузатувдан тасдиқланган объектлар рўйхати доимо тўлдириб келинмоқда (Япония миллий астрономик обсерваториясининг Субару телескопи; Кембридж университети астрономия институти; Бонн университети Аргеландер номидаги астрономия институти). COSMOGRAIL кузатув дастури доирасида катта ҳажмда кузатув маълумотлари қўлга киритилган, тасвирларни қайта тиклаш учун самарали фотометрик усул ишлаб чиқилган (Лозанна Федерал Политехника мактаби Астрофизика лабораторияси; Льеж университетининг астрофизика ва геофизика институти; ЎзР ФА Астрономия институти). Кузатув маълумотларни қайта ишлаш учун фотометрик усуллар ва компьютер дастурлари ишлаб чиқилган (Москва давлат университетининг Штернберг номли Астрономия институти, Россия; Харьков Миллий университетининг Астрономия ИТИ, Украина).

Дунёда ҳозирги пайтда гравитацион линзаланган квазарларнинг назарий ва кузатув тадқиқотлари бўйича қуйидаги устувор йўналишларда изланишлар олиб борилмоқда: GAIA, SDSS ва бошқа маълумотлар базаларини статистик, спектрал ва фотометрик таҳлили асосида янги ГЛКларни топиш; микролинзаланиш ҳодисаларини аниқлаш, кечикиш вақтини ўлчаш ва Хаббл доимийсини ҳисоблаш; Коинот ва унинг йирик масшабли бирикмалари моделларини синаш; галактика тўдалари массасини ўлчаш; гравитацион линзалар моделларида ноаниқлик масаласи ҳамда манба вазияти ўзгаришининг кечикиш вақтига таъсир этиш муаммоларини ечиш (Чикаго университети, Макс Планк жамиятининг Астрофизика институти; Бошланғич Коинот тадқиқот маркази).

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунда янги гравитацион линзаланган квазарларни қидириш, ушбу объектларнинг мониторинг кузатувларини олиб бориш, SBS1520+530 ва FBQ0951+2635 ГЛКларнинг фотометрик тадқиқоти, линзаловчи галактикалар хусусиятлари

тадқиқоти, ушбу системаларни моделлаштириш, кечикиш вақтини ҳисоблаш, микролинзаланишни аниқлаш билан дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказларининг олимлари, масалан, россиялик (Bikmaev I., Sakhibullin N.), украиналик (Shalyapin V., Zheleznyak A., Sergeev A.), америкалик (Burud I., Cohen J., Schechter P., Beuzit J.-L., Kochanek C.) бельгиялик (P. Magain, Sluse D.), швейцариялик (Courbin F., Dye S., Meylan G.), даниялик (Jacobson P., Hjorth J.) ва бошқалар шуғулланишади. Аммо кўрсатилган ГЛКлар учун узок муддатли оптик кузатувлар олиб борилмаган ва унга мос ҳолда узок вақт оралиғида микролинзаланиш ҳодисаси ўрганилмаган, уларнинг на амплитудаси, на давомийлиги номаълум бўлган.

Тўрт компонентали PG1115+080 ва B1422+231 ГЛКлар йўналишидаги галактикалар тўдаларидан рентген оқимини аниқлаштириш, уларнинг инфрақизил кузатувлари ва линзаловчи галактикаларнинг подструктураларини ажратиб олиш, уларнинг қизилга силжишини топиш, H1413+1117 спектрининг эмиссион хусусиятларини таҳлил этиш, бу системаларнинг моделларини тузиш муаммолари билан америкалик (Grant C., Bautz M., Chartas G., Garmire G., Tonry J., Eracleous M., Dai X., Agol E., Gallagher S.), япониялик (Chiba M., Minezaki T., Kashikawa N., Kataza H.), бельгиялик (Hutsemekers D., B. Borguet) ва бошқа олимлар шуғулланган. Аммо буларга қарамай, бу ерда қайд этилган ГЛКларнинг узок йиллик оптик кузатувлари олиб борилмаган, кечикиш вақтлари ва микролинзаланиш характерлари охиргача аниқланмаган. H1413+117даги линзаловчи жисмнинг қизилга силжиши масаласи ҳам очик қолиб келган, B1422+231 эса ундан ҳам кам ўрганилган, чунки унда ҳаттоки мавсумий кузатувлар олиб борилмаган.

Кенг майдонларнинг кечикиш вақти ва интеграллаш (КВИ) режимида зенит кузатувларидан олинган рақамли тасвирларнинг таҳлили, эса умуман олганда, биринчи бор амалга оширилмоқда. Суюқ кўзгули зенит телескопни кўриш бўйича ғоя канадалик олимлар (Hickson P., Borra E., Cabanac R., Content R., Gibson B.) томонидан таклиф қилинган эди, бу лойиҳанинг амалдаги татбиқи эса бельгиялик (Surdej J., Swings J. -P., De Becker M., Delchambre L., Finet F.), ҳиндистонлик (Kumar B., Pradhan B., Sagar R., Pandey K., Anupama G.), польшалик (Bartczak P.) астрономлар томонидан амалга оширилди. Аммо уларнинг ишларида кенг майдонлар тасвирларининг таҳлили масаласи тўлиқ равишда очилмаган эди. Кузатув маълумотларни астрометрик ва фотометрик калибровкада қанақа омиллар таъсир этади, деган савол шу вақтгача жавобини топа олмай келяпти.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти ЎзР ФА Астрономия институти ва Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқотлар режаларининг ФА-Ф2-Ф058+061 «Гравитацион линзалар, шаклланаётган галактикалар ва астрофизик объектларнинг умумлашган моделлари тадқиқоти» (2007-2011), ФА-ЁОФ2-Ф03 «Рақамли астрономик тасвирларни қайта тиклаш фотометрик дастурини ишлаб чиқиш ва гравитацион линзаланишда УНН

эффектларининг таҳлили» (2010-2011), Ф2-ФА-Ф029 «Гравитацион линзалар, компакт астрофизик объектлари ностационар дисксимон тизмлар физикаси» (2012-2016), ВА-ФА-Ф-2-007 «Танланган галактика-кварларнинг линзаловчи хусусиятларини оптик диапазондаги тадқиқоти» (2017-2018) илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** танланган икки ва тўрт компонентали гравитацион линзаланган кварларнинг ПЗС-фотометрияси ёрдамида микролинзаланиш ва кечикиш вақти эффекти кўринишидаги ҳодисалар физикасини ўрганиш ҳамда кенг майдонлар рақамли тасвирларини қайта ишлаш алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

зич майдонлардаги нуқтавий манбаларнинг фотометрияси усулини ишлаб чиқиш;

тадқиқ қилинаётган ГЛК линзаланган компонентлари орасидаги кечикиш вақтини ва система параметрларига боғланишлардаги қонуниятларни аниқлаш;

Н1413+117 ГЛКдаги линзанинг қизилга силжишини аниқлаш;

Микролинзаланиш ҳодисасидан манба-кварларнинг ички ўзгарувчанлигини ажратиб олиш, уларнинг механизмларини аниқлаш, микролинзаланиш давомийлигини аниқлаш;

микролинзаланиш турларини уларнинг жадаллиги ва давомийлигига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш, микролинза массасининг қуйи чегарасини ҳисоблаш;

КВИ режимидаги рақамли тасвирларни қайта ишлаш усули ва алгоритмларини ишлаб чиқиш, астрономик ва фотометрик ўлчашларнинг аниқлигига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида танланган SBS1520+530, FBQ0951+560, PG1115+080, Н1413+117 ва В1422+261 гравитацион линзаланган кварлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб ПЗС-тасвирлари кўринишидаги кузатув маълумотлари, тадқиқ қилинаётган объектлар компонентларининг равшанлик эгри чизиқлари, шу билан бирга КВТ режимида ҳосил қилинган тасвирлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Рақамли астрономик тасвирларни қайта ишлашнинг таниқли усуллари, вақт қаторлари таҳлили усуллари, минималлаш усуллари, гравитацион линзаланган системаларнинг математик моделларини тузиш усуллари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қўшалок FBQ 0951+2635 ва SBS1520+530 ГЛКларда равшанлик ўзгаришининг жадаллилиги бўйича фонли ва кучли ҳамда давомийлигига қараб узок даврли ва қисқа даврли икки турдаги микролинзаланиш синфлари аниқланган;

танланган ГЛКлар учун равшанлик эгри чизиқлари ҳосил қилинган ҳамда тўрт компонентли PG1115+080, H1413+117, B1422+231 ГЛКда кечикиш вақтининг янги қийматлари аниқланган;

PG1115+080 ГЛКда A1/A2 оқим нисбати нафақат вақт бўйича ўзгариши, балки филтранинг тўлқин узунлигига ҳам боғлиқ эканлиги аниқланди, линзаланган компонентларнинг (V-I) ранг кўрсаткичи ҳам равшанликка, ҳам вақтга боғлиқлиги кўрсатилган;

H1413+117 ГЛКда кучли микролинзаланиш ва унга сабабчи жисм массаси учун қуйи чегара қиймати топилган ҳамда гравитацион линза учун сингуляр изотермик эллипсоидли янги модель ишлаб чиқилган ва унинг қизилга силжиши аниқланган;

кенг майдонлар тасвирларининг компьютерда қайта ишлаш усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган ҳамда КВИ режимда зенит кузатувлари давомида олинган тасвирларда прецессия эффекти аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кечкиш вақти қиймати ГЛК тизимнинг бурчак катталигига – линзаланган компонентлар орасидаги максимал масофага чизиқли боғлиқ эканлиги кўрсатилган;

тадқиқот объектларида микролинзаланиш синфлари аниқланган ва ушбу ҳодисанинг механизмлари очиб берилган: қўшалок ГЛКларда узок даврли, 10 йилдан ортиқ давом этаётган микролинзаланиш эффекти топилган ҳамда у қисқа даврли микролинзаланиш ҳодисаларидан устун келиши кўрсатилган;

зич майдонлардаги нуқтавий тасвирларни фотометрик қайта ишлашнинг янги усули таклиф қилинган;

фотометрик ҳамда кечикиш вақтини ўлчаш хатоликларини баҳолаш учун янги мустақил усуллар ишлаб чиқилган;

биринчи бор B1422+23 ГЛКда равшанлик эгри чизиқлари чизилган ҳамда манба-квазар равшанлигининг узок даврли (6 йилдан ортиқ) ўзгариши ва микролинзаланиш таъсири аниқланган;

топилган микролинзаланиш ҳодисалари тўрт компонентли тизимлардаги микролинзаланиш умумий табиатига ва ўзгармас тавсифга эга бўлиши ҳақидаги гипотеза тасдиқланган;

кенг майдон тасвирларини қайта ишлаш алгоритми меридиан кузатувларида олинган тасвирларни таҳлил этишда қўлланилмоқда;

сунъий равшанлик эгри чизиқларни ҳосил қилиш учун янги усул таклиф қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ПЗС тасвирларини фотометрик қайта ишлаш, вақт қаторларини таҳлил қилиш, кечикиш вақтини ҳисоблаш, микролинзаланиш ҳодисасини аниқлаш ва гравитацион линзаланган тизимларни моделлаштиришнинг замонавий ва яхши тавсия этилган усуллариининг қўлланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, авваламбор, тадқиқ қилинаётган ГЛКлар бўйича олинган кузатув маълумотлари билан баҳоланади, қайсики маънода

улар ГЛКлар ҳақидаги мавжуд билимларни сезиларли даражада тўлдиради ва келажакда уни янада тўлдириб боришда ва бошқа ГЛКларни мукамал тадқиқ қилишда асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса қуйидагилар билан изоҳланади: биз таклиф этган нуқтанинг ёйилиш функцияси (НЁФ)ни адаптив мослаштириш фотометрик усули телескопларда кузатув вақтларини тежашга ёрдам беради, чунки ушбу усул фокусланмаган тасвирлар билан ҳам ишлайди. Учта ГЛК учун биз топган кечикиш вақти қийматлари ушбу тизимларда келажакда микролинзаланишни аниқлашни енгиллаштиради. КВИ режимидаги кенг майдонлар тасвирларини қайта ишлаш учун биз томондан ишлаб чиқилган усул ва алгоритмлар бевосита 4-mILMT лойиҳаси доирасида қўлланилади. Натижалар ЎзМУ Астрономия йўналишининг қуйидаги махсус курсларига киритилган: «Квазарлар ва фаол галактикалар», «Космогония муаммолари» бакалавриатура учун ва «Гравитацион линзаланиш физикаси», «Астрономик тасвирларни қайта ишлаш» магистратура учун.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Танланган икки ва тўрт компоненти гравитацион линзаланган квазарларнинг микролинзаланиш ва кечикиш вақти эффекти кўринишидаги ҳодисалар физикасини ўрганиш ҳамда кенг майдонлар рақамли тасвирларини қайта ишлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш асосида:

FBQ 0951+2635 ва SBS1520+530 ГЛКлардаги микролинзаланишнинг давомийлиги ва табиатини тадқиқ этиш давомида олинган натижалар халқаро илмий журналларда (Astronomy&Astrophysics, 2018, 2012a,b; Monthly Notices of the Royal Astronomical Society, 2013; Astronomy&Astrophysics Supplement Series, 2011; Astrophysics Journal, 2010) ва GLENDAMA лойиҳаси доирасида кучли гравитацион линзалар моделлари таҳлилида ва космологик параметрларни ҳисоблашда фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши линзаланган квазарлар бўйича кенг қамровли маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда бошқа қўшалок ГЛКларда узок даврли микролинзаланиш ҳодисаларини топиш имконини берган;

PG1115+080 ГЛК линзаланган компонентлари орасидаги кечикиш вақтининг Майданак обсерваториясида олиб борилган мониторинги асосида олинган янги қийматлари халқаро журналларда (Astronomy & Astrophysics, 2018, 2013; Monthly Notices of the Royal Astronomical Society, 2016; The Astrophysics Journal Supplement Series, 2015; Astronomical Reports, 2015) ушбу системада кечикиш вақтларини қайта ҳисоблашларда ва бу катталиқни микролинзаланиш ҳолати учун топишга мўлжалланган янги усулни ишлаб чиқишда фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши кузатиш ўқи бўйлаб линзалар атрофидаги муҳитнинг тузилишини ўрганишга ҳамда йирик масштабли тузилмаларнинг линзалар статистикасига ва улар параметрларига таъсирини яхшироқ тушунишга имкон берган;

PG1115+080 ГЛКдаги линзаланган компонентларнинг равшанлиги ўзгаришининг таҳлили ва A1/A2 ёрқин компонентдаги микролинзаланишни

ўрганиш натижалари халқаро журналларда (Monthly Notices of the Royal Astronomical Society, 2016, 2018; Astronomy & Astrophysics, 2015, 2018; The Astrophysics Journal, 2016; Astronomical Reports, 2015) микролинзаланиш эффектини тадқиқ этишда кечикиш вақти қийматларига асосланиб микролинзаланиш хариталарини тузишга мўлжалланган янги усулни ишлаб чиқишда фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши Хаббл доимийсини янгидан ҳисоблаш ҳамда узоқ манбаларнинг нуқтавий ва кўлам моддалар томонидан микролинзаланиш билан ғалаёнланган равшанлик эгри чизиқларини статистик таҳлил этиш имконини берган;

H1413+117 компонентлар равшанликлари ўзгарувчанлигининг кечикиш вақтларини ҳисоблаш, кучли микролинзаланиш ҳодисасини топиш, линзаловчи жисмнинг қизилга силжишини ҳисоблаш бўйича биз ўтказган тадқиқот натижалари халқаро журналларда (Astronomy & Astrophysics, 2018; Astronomy & Astrophysics, 2018; 2018arXiv 181002624W; Nature, 2018) гравитацион линзалар моделларидаги ноаниқликларни ва манба вазияти ўзгаришининг кечикиш вақтларига таъсирини баҳолашда, GRAL113100-441959 янги гравитацион линзаланган система эканлигини спектроскопик тасдиқлашда ва ундаги кечикиш вақтини модель ёрдамида прогнозлашда фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши шимолий ярим шардаги оптик ёрқин линзаланган квазарлар бўйича янги маълумотлар базасига киритилган ҳамда Ўзбекистонда замонавий астрономиянинг ҳолатини таҳлил этишга имкон берган;

кенг майдонлар тасвирларини қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқилган усул ва алгоритмлар 4-m ILMТ халқаро кузатув лойиҳаси доирасида қўлланилган («Universite de Liege»нинг 2019 йил 15 январдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши кенг майдонлар тасвирларини қайта ишлаш бўйича дастурлар кетма-кетлигини шакллантириш ва космик мусор объектларини топиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 23 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.


**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш нашр қилинган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шулардан, 6 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 5 та боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 188 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги асослаб берилган, мақсади ва вазифалари тавсифланган, тадқиқотнинг объекти, предмети ва усуллари кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижалари ва диссертация тузилиши берилган.

Диссертациянинг **“Гравитацион линзаланган квазар (ГЛК)ларда микролинзаланиш ва кечикиш вақтлари”** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича ишлар ҳақида умумий маълумотлар берилган, гравитацион линзаланиш ҳодисаси, микролинзаланиш, кечикиш вақти, фойдаланилган қурилма, шу билан бир қаторда, олинган тасвирларнинг кузатув ва фотометрик қайта ишлаш усуллари ёритиб берилган. Биринчи параграфда гравитацион линзаланиш назариясининг асослари ва унинг олдида турган вазифалар келтирилган, микролинзаланиш ҳодисаси ёритиб берилган. Иккинчи параграф ГЛКлардаги кечикиш вақти муаммолари ва уни ҳисоблаш усуллари бағишланган. Ҳозирги кунда ишончли тарзда 150га яқин каррали тасвири ГЛКлар бизга маълум. Улардан фақат 29таси учун кузатувдан кечикиш вақти қиймати маълум. Ушбу объектлар бўйича маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, кечикиш вақти катталиклари тизимларнинг бурчак ўлчамига чизиқли боғлиқ (1-расм). Кечикиш вақти билан тизимнинг бошқа параметрлари, яъни карралилик ва қизилга силжиш орасида бошқа систематик қонуниятлар топилмаган.



**1-расм.** ГЛКнинг бурчак ўлчами ва уларнинг кечикиш вақтлари орасидаги чизиқли муносабат.

Учинчи параграфда ГЛКлар ПЗС-фотометриясининг кузатув жиҳатлари ёритилади ва тадқиқот объектларининг танланиши асосланади. Ушбу ишнинг мақсади Майданак обсерваториясида қатор ГЛКларнинг оптик кўп рангли кузатувлари ва олинган маълумотларни фотометрик қайта ишлашларни олиб бориш орқали микролинзаланиш ҳодисаси ва кечикиш вақти эффектини ўрганишдан иборат. Бу натижалар бизга қуйидаги

масалаларни ечишда ёрдам беради: кузатув маълумотлари банкини яратиш; кузатилаётган ГЛКлар компонентларини фотометрик қайта ишлаш; микролинзаланиш ҳодисасини аниқлаш ва кечикиш вақтини ҳисоблаш учун ҳосил қилинган равшанлик эгри чизигини таҳлил ва талқин қилиш.

Кузатув объектларини танлаш учун бир неча мезонлар киритилди: кўриниш шарти бўйича  $-10^0 < \delta < +70^0$ ; компонентлар орасидаги масофа  $> 1''$  ва объектлар равшанлиги  $19^m - 20^m$  дан равшанроқ бўлиши керак. Тадқиқ қилаётган объектларимиз ушбу шартларни қаноатлантиради. ГЛКларнинг муваффақиятли кузатуви учун камида учта шарт бажарилиши зарур: а) обсерватория жуда яхши астроиклим даражасига эга бўлиши; б) телескоп етарли даражада катта диаметрли кўзгуга эга бўлиши; в) қурилманинг ёруғликка сезгирлиги сифатли бўлиши керак. Ушбу шартларни Майданак астрофизик обсерваторияси (МАО) ва унинг асосий 1.5-метрли телескопи АЗТ-22 тўлиқ қаноатлантиради. Мазкур телескоп профессионал зарядли алоқа қурилма (ЗАҚ) BroCam (SiTe ST-005A) – қабул қилгич билан қуролланган. Бундан ташқари, ушбу камера Жонсон-Кузинс фотометрик тизимига мос келадиган UVVRI шиша филтрлари тўплами билан жиҳозланган. Бизнинг ишимиз АЗТ-22 телескопи ёрдамида МАОда ГЛКларни муваффақиятли мониторинг кузатувини олиб бориш мумкинлигини исботлайдиган алоҳида ГЛКларнинг аввал бажарилган кузатувларининг ҳақиқий давоми ҳисобланади. Тўртинчи параграфда гравитацион линзаланишнинг космологик татбиқи қаралади. Бешинчи параграфда ГЛК рақамли тасвирларни қайта ишлаш усуллари билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинади.


Диссертациянинг иккинчи боби **“Қўшалок ГЛКларда микролинзаланиш ўзгарувчанлиги: қисқа даврли ҳодисаларми ёки узок даврли флуктуацияларми?”** деб номланиб, FBQ0951+2635 ва SBS1520+530 ГЛКларидаги микролинзаланиш тадқиқотига бағишланган, унда қўшалок тизимларда бу жараённинг давомийлиги муаммоси ҳал қилинади. FBQ0951+2635 ГЛК қизилга силжиши  $z_q=1.246$  бўлган иккиланган квазар бўлиб, у  $z_g=0.26$ ли галактика билан линзланади. FBQ0951+2635нинг аввалги оптик тадқиқотлари компонентлар орасидаги кечикиш вақтини ва манбанинг ўзгарувчанлигини ўрганишга имкон берган. Компонентлар орасидаги кечикиш вақти тахминан икки ҳафтага тенг экан ва компонентларнинг вариацияси (ўзгариши) аниқ кўриниб турган. Шу билан бирга, мумкин бўлган микролинзаланиш градиенти  $\sim 0.0001^m/кун$  эканлиги ва амплитудаси  $\sim 0.05^m$  ҳамда характерли вақти бир неча ойга тенг бўлган эҳтимолли ўзгарувчанлик топилди. Ташқи флуктуациялар манба-квазар томонидан бевосита юзага келмай, линза-галактика доирасидаги узлукли объектларнинг микролинзаланишига тааллуқлидир.

Майданакда олинган тасвирларда FBQ 0951 + 2635 ГЛК квазарнинг иккита мавҳум тасвир ҳамда жуда кучсиз линзаловчи галактикадан иборат. Линзаловчи галактика ҳаддан ташқари хира ва R - филтрдаги тасвирларда


кўринмайди, бу эса фотометрия масаласини анча енгиллаштиради. Шундай қилиб, тизим икки юлдуз шаклида тасвирланган.

Бизнинг 2001 йил апрель ойидан 2006 йил май ойигача бўлган даврда МАО обсерваториясида олиб борган бир текис, узлуксиз кузатув натижалари R-филтридаги 190 та суратдан иборат бўлиб, улар 37 та турли кечаларда олинган. FBQ 0951 + 2635 ГЛК фотометрияси давомида биз ҳар бир тасвир учун алоҳида А, В компонентларнинг, S1 ва S3 юлдузларнинг магнитудаларини, шунингдек,  $m_B - m_A$  айирмаларини олдик. Кейин ҳар бир кузатув кечаси учун ушбу катталиқнинг ўртача қиймати ҳисобланиб, уларга мос ўртача квадратик хатоликлар қўлга киритилди (2-расм).

3-расмда маълум 16 кунлик кечикиш вақтини ҳисобга олган ҳолда ва магнитуда бўйича  $-1.246^m$ га (В ва А эгри чизиқларнинг вақт бўйича силжиганлари орасидаги юлдуз катталиқларининг ўртача фарқи) силжитилган равшанлик эгри чизиқлари кўрсатилган. Кўриб турганимиздек, эгри чизиқлар бир-бири билан яхши мос келади, яъни уларнинг иккаласи бир-бири билан устма-уст тушувчи даврларда мослашади. Шунинг учун биз бу ерда қисқа даврли микролинзаланиш йўқлигини ёки сезилмаслигини таъкидлашимиз мумкин. Оқимлар нисбати кечикиш вақтини ҳисобга олган ҳолда  $A/B = 3.15 \pm 0.05$ га тенг.




**2-расм.** FBQ 0951+2635нинг равшанлик эгри чизиқлари. Юқоридан пастга – А ва В компонентлари, шунингдек, таянч юлдуз.




**3-расм.** А компоненти ҳамда равшанлиги бўйича силжиган В нинг равшанлик эгри чизиқлари.

Аввалги таҳлил FBQ0951+2635 объекти оптик диапазонда ташқи ўзгарувчанлик мавжудлигини кўрсатди. Квазарнинг иккала А ва В компоненти галактиканинг икки хил қисмини кесиб ўтади, шунинг учун тарқоқ объектларнинг тақсимооти биттасининг ёки ҳар иккаласининг оқимига таъсир қилиши мумкин, бу эса ташқи ўзгарувчанликка олиб келди. Ушбу микролинзаланиш гипотезаси В компоненти ҳолида кўпроқ эҳтимолга яқин, чунки унинг оқими галактиканинг марказий соҳасини кесиб ўтади.



**4-расм.** Оптик диапазонда FBQ 0951+2635 ГЛК компонентлари орасидаги оқимлар нисбатининг вақт давомида ўзгариши.


Биз R-филътрадаги маълумотларимизни ва SDSS архивидан олинган r-ва R-соҳалардаги бир нечта кўшимча суратларни таҳлил қилдик. Оқим бўйича тўпланган маълумотлар микро-линзаланишнинг узоқ даврли флукуациясини кўрсатади ва шундай қилиб, узоқ даврли градиентлар, эҳтимол, микролинзаланиш натижасида келиб чиқадиган ўзгаришларда устунлик қилади (4-расм). A/B нисбат 2003-2004 йиллар мобайнида ўсиш суръатларига эга бўлса-да, 2004 йил охиридан бошлаб нисбатан барқарор бўлиб қолмоқда. I филътридаги кўшимча маълумотлар квазистационар ҳолатни тасдиқлайди. Шунингдек, биз SBS 1520+530 иккиланган квазарда микролинзаланишнинг узоқ даврли ўзгаришларини топдик.




**5-расм.** SBS 1520+530 ГЛКнинг A ва B компонентлари равшанлик эгри чизиқлари.

SBS1520+530 нисбатан хира компакт объект бўлиб, у квазарнинг икки нуқтавий компонентидан ташкил топган. Фотометрия жараёнида биз B компонент яқинидаги линзаловчи галактикага эътибор бермадик, чунки у

жуда хира ва қабул қилувчи қурилмамиз уни қайд қилмади. Натижада биз SBS1520+530 ГЛКнинг А ва В компонентларининг равшанлик эгри чизиқларини қўлга киритдик. Квазарнинг иккала компоненти тахминан 100 кунлик вақт давомида кичик амплитудали  $\Delta m \approx 0.1^m$  ўзгарувчанлик мавжудлигини кўрсатди. Линзаланган тасвирларга тегишли равшанлик эгри чизиқларнинг умумий ўхшашлиги манба-квазар равшанлигининг аста-секин камайиб бориши билан боғлиқ (5-расм). Бу системадаги кечикиш вақти қиймати  $130 \pm 3$  кун деб топилган.



**6-расм.** Кечикиш вақтини ҳисобга олган ҳолда SBS1520+530 ГЛКнинг равшанлик эгри чизиқлари.




**7-расм.** А ва В компонентларнинг юлдуз катталиги орасидаги фарқ.

6-расмда А ва В компонентларнинг битта графикада равшанлик эгри чизиқлари кўрсатилган, бу ерда В компоненти 130 кун кечикиш вақтининг қиймати қадар чап томонга ва магнитуда бўйича  $-0.83^m$  га юқорига сурилган. Тузилма эгри чизиқ катта бўшлиқларга эга эмас. Графикдан кўриниб турибдики, квазар ҳар бири тахминан 100-500 кун давом этадиган ва равшанликнинг кичик  $\Delta m \approx (0.1-0.2)^m$  вариациясига эга бўлган учта ҳолатни


бошдан кечиради. 7-расмда бизнинг кузатув маълумотларимиз олдингиларига жуда мос келиши кўрсатилган ва узок йиллар давомида узлуксиз микролинзаланиш жараёнини кўрсатадиган чизиқли боғланишни кўрсатмоқда.

Диссертациянинг “Тўрткомпонентли линзаланган квазарлар **PG1115+080** ва **V1422+231**: равшанлик эгри чизиқлари ўзгарувчанлиги ва кечикиш вақтлари” деб номланган учинчи боби тўрт компонентли PG1115+080 ва V1422+231 ГЛКларининг тадқиқотига бағишланган. Тўрт компонентли ГЛК ва хусусан, PG1115+080, маълумки, икки компонентлиларга нисбатан, Хаббл доимийси қийматини аниқлаш учун анча қулайдир. Чунки, катта ҳажмдаги кузатув маълумотларини беради ва шунга мос равишда моделлаштиришда физик маъноли чекловларни таъминлайди. Қизилга силжиши  $Z_q=1.722$  бўлган PG1115+080 манба-квазар қизилга силжиши  $Z_g=0.31$  бўлган галактика билан линзаланеди, бунда A1 ва A2 тасвирлари бир-бирига жуда яқин жойлашган. Бу чорак асрдан кўпроқ вақт олдин кашф этилган иккинчи ГЛКдир.

PG1115 + 080 кузатувлари Майданак обсерваториясининг 1.5 м телескопида амалга оширилди. Тасвирлар ҳар кечада R филтрида 2дан 10тагача ва V ҳамда I филтрларида 2дан 6тагача бўлган сураглар тўпламида олинган. Синг "0.75 дан" 1.3" га ўзгариб турган. Фотометрик катталиклар таҳлили ўлчаш хатоларининг сингга кучли боғлиқлигини кўрсатмади, профилнинг ярим кенглиги 1.3" дан ошган сураглар бундан мустасно. Фотометрик қайта ишлашлар орқали биз 8-расмдаги равшанлик эгри чизиқларини чизамиз.



**8-расм.** PG 1115+080 ГЛК компонентларининг равшанлик эгри чизиқлари.



**9-расм.** Бизнинг фотометрия натижаларимиз ёрдамида C-A1, C-A2, B-C ва A2-A1 равшанликлар айирмаларининг вақт давомида ўзгариши.

Ушбу равшанлик эгри чизиқлари асосида биз компонентларнинг учта жуфтлиги орасидаги кечикиш вақтининг  $\Delta t_{BA} = 4.4^{+3.2}_{-2.4}$  кун,  $\Delta t_{AC} = 12.0^{+2.4}_{-2.0}$  кун ва  $\Delta t_{BC} = 16.4^{+3.4}_{-2.4}$  кун қийматларини қўлга киритдик.

Лекин агар бу ерда микролинзаланиш бор бўлса, компонентларнинг ранглари вақт давомида ўзгарадими ва биз илгари топган кечикиш вақти қийматлари Хаббл доимийсини баҳолашда қандай таъсир кўрсатади каби саволлар очиқ қолди.

PG1115+080 да A1+A2 тасвирлари жуфтлиги икки компонентнинг каустик чизиқларига нисбатан симметрик жойлашишидан ташкил топган. Назарий ҳисоб-китобларга кўра, уларнинг оқим нисбатлари 1 га яқин бўлиши керак. 1980-йилдан бошлаб, A2/A1 оқим нисбатларининг (ОН) кўп сонли ўлчашлари турли спектр диапазонларида ва даврларда олиб борилди. A2/A1 ОНнинг кузатувларига кўра, у 0.65-0.85 оралиғида ўзгарганлиги қайд этилди. Қайси компонент микролинзаланганлигини аниқлаш учун биз фақат ўзимизнинг маълумотларимиздан фойдаланганмиз, чунки улар нисбатан бир тжинсли материалдир. Биз A2-A1, C-A1, B-C ва C-A2 компонентлари орасидаги юлдуз катталиклари фарқининг ҳолатини таҳлил қилдик (9-расм). Ушбу 9-расмдан A1 нинг хиралашиши ва A2 нинг равшанлашиши 2001-2006 йиллар даврида бир вақтнинг ўзида содир бўлган деган хулосага келиш мумкин. Бундан ташқари, аввалги йилларда микролинзаланган A1 тасвир, 1992-1995 йиллар мобайнида максимал даражада, 2006 йилда ёки кейинроқ якуний босқичда бўлган деган хулосага келиш мумкин. Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда, 0.3-магнитудали ўзгарувчанликнинг тўлиқ вақти оралиғи ~ 25 йилни ташкил этади. A2 тасвир 2001-2005 йилларда микролинзаланишга эга бўлган. Ушбу даврда A2 нинг равшанлигининг ортиши ~ 0.14<sup>m</sup> га эришган, шу вақтда равшанликнинг бир бутун умумий ортиши бундан ҳам катта бўлиши мумкин.


PG1115+117 ГЛКнинг равшанлик эгри чизиғи таҳлили амалга оширилди. Манба-квazarнинг 0.4<sup>m</sup> тартибидаги амплитудага эга бўлган ички ўзгарувчанлиги аниқланди. Компонентлар орасидаги A1/A2 оқим нисбати нафақат вақт давомида, балки фильтр тўлқин узунлигининг катталашини билан ҳам камайиши мумкинлиги кўрсатилган. Бундан ташқари, 2001-2006 йилларда A1 ва A2 тасвирларида микролинзаланиш A1 учун пасаяётган фаза ва A2 учун кўтарилаётган фаза билан топилган.

Компонентларнинг V-I ранг кўрсаткичининг алоҳида R магнитудасига ва алоҳида вақтга боғланишлари топилди. Квazar равшанлиги заифлашган сари компонентларнинг ранги қизилга қараб сурилади. Лекин бу микролинзаланиш билан эмас, балки манба-квazarнинг ички ўзгарувчанлиги билан боғлиқ. В компонент линзаловчи галактикага жуда яқин жойлашган бўлса-да унинг аномал ранги тўқ кўкдир. PG1115+117 ГЛКдаги кечикиш вақти учун аввал биз топган қийматлар ва унинг моделлари асосида Хаббл доимийси қайта баҳоланди. Барча мумкин бўлган қийматларнинг ўртачаси  $H_0 = 66 \text{ км} \cdot \text{с}^{-1} \cdot \text{Мпк}^{-1}$  эканлиги топилди.

Кейин V1422+231, PG1115+080, UM673 ва бошқа гравитацион линзаларнинг V, R ва I филтридаги кузатув маълумотлари қайта ишланди. Тегишли равшанлик эгри чизиқлари ҳосил қилинди. V1422+231 объектидаги манба квazarда равшанликнинг узоқ даврли (6 йилдан ортиқ) ўзгариши

топилди. Равшанлик ўзгариш амплитудаси  $0.25^m$  юлдуз катталиги тартибида. Ушбу ГЛК учта компонентнинг равшанлик эгри чизиқлари манба ўзгарувчанлиги фонида микролинзаланиш ҳам борлигини кўрсатди. Компонентлар ранг кўрсаткичлари вариациялари (ўзгаришлари) ҳам микролинзаланиш таъсирини тасдиқлади.

Диссертациянинг “Фотометрик қайта ишлашнинг янги усули ва Н1413+117 ГЛКнинг равшанлик эгри чизиқлари: кечикиш вақти ва микролинзаланиш эффектлари” деб номланган тўртинчи бобида Н1413+117 (Беда барги) ГЛКнинг тадқиқотлари келтирилган. Биринчи параграфда ушбу объект бўйича ҳозирги ҳолат берилган, у бўйича адабиётлар таҳлили келтирилган ва 2001-2008 йилларда Майданак обсерваториясида олинган кузатув маълумотларининг тавсифлари берилган. Кичик ўлчамли кўп манбаларнинг равшанлигини ўлчаш учун кўплаб усуллар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги суратнинг қаралаётган соҳасида ЁНФнинг инвариантлигини талаб қилади. Ушбу аксиома фотометрик усуллар учун баъзи чеклашларни келтириб чиқаради, чунки кузатув шароитлари ва телескопнинг оптик тизими доимо юқорида кўрсатилган принципга мос келмайди. Биз бу соҳада бошқа ёндашувни, яъни ЁНФнинг адаптив мослаштириш усулини қўлладик. Ушбу усулнинг ўзи, итерацион йўл билан линзаланувчи компонентларнинг ЁНФсини уларнинг жойлашган ерининг локал соҳасида аниқлайди ва компонентлар ҳар биридан келаётган умумий оқимни топади. Шу билан бирга, рақамли тасвирларга тегишли хатолик ва шовқинларни ҳисобга олган сунъий тасвирларни моделлаштириш асосида фотометрик ўлчашлар хатолигини баҳолашнинг мустақил усули ҳосил қилинди.



**10-расм.** Кечикиш вақтлари ҳисобга олинган ҳолда Н1413+117 ГЛКнинг А, В, С, D линзаланган компонентларининг R – филтлдаги равшанлик эгри чизиқлари.

Н1413+117 компонентларининг равшанлик эгри чизиқларида ҳам ички ўзгарувчанлик белгилари, ҳам тахминан  $0.15^m$  амплитудали ва  $10^{-3} \text{mag/кун}$  шиддатга эга микролинзаланишнинг кучли таъсири аниқланди. Н1413+117

ГЛК линзаланган компонентлари орасидаги  $\Delta t_{AB} = -17.4 \pm 2.1$  кун,  $\Delta t_{AC} = -18.9 \pm 2.8$  кун ва  $\Delta t_{AD} = 28.8 \pm 0.7$  кунга тенг кечикиш вақтлари қийматлари ҳисобланди (В ва С етакчилар, D - кўринма, 10-расм).

H1413+117даги гравитацион линза учун кўп параметрли модель ишлаб чиқилди. Унда линзаловчи галактика учун сингуляр изотермик эллипсоид модели, йўлдош галактика учун сингуляр изотермик сфераси, бошқа омилларни ҳисобга олишда ташқи силжиш параметри қўлланилди. Шу билан бирга, унинг қизилга силжишнинг эҳтимоли катта бўлган қиймати топилди  $z_l = 1.97_{-0.11}^{+0.07}$ .

Диссертациянинг **“Кенг майдонлар ҳолатлари: КВТ режимидаги ПЗС тасвирларнинг қайта ишлаш усули”** номли бешинчи боби кенг майдонлар ҳолатларига ва КВТ билан интеграллаш режимида ҳосил қилинган тасвирларни қайта ишлаш усуллари бағишланган. Сўнгги ўн йиллар ичида телескоплар, жумладан, оптик диапазондагилар, қурилиш техникаси улкан ривожланишларга эга бўлди. Янги турдаги телескоплар қаторига, акслантириш қобилияти юқори бўлган суюқлик (мисол учун, симоб) билан қопланган ҳажмнинг айланиши ёрдамида юқори аниқликдаги тасвирларни берувчи суюқ кўзгули телескопларни киритиш мумкин.

Ушбу бобда Льеж университетида ишлаб чиқилган 4-m International Liquid Mirror Telescope (ILMT) лойиҳаси доирасида диссертант томонидан ўша даргоҳда қўлга киритилган натижалари берилган. ILMT телескопи осмон тасмаларини зенитда тахминан  $0.5^\circ$  кенглик билан сканерлаш учун мўлжалланган ва Девасталь (Ҳиндистон) обсерваториясида ўрнатилган. Осмон қопламанинг умумий юзаси 140 квадрат градусга тенг. ILMT кечамакча SDSS филтрларида осмоннинг кенг тасвирларини суратга олади. Зенит кузатувларида телескоп кўриш майдони билан кесишувчи объектларни кузатишнинг энг мақбул усули кечикиш вақти ва интеграллаш режими ҳисобланади.

ILMT лойиҳасининг асосий мақсади телескопнинг кўриш майдонидаги осмоннинг тор тасмасига тушадиган барча объектларнинг фотометрик ўзгарувчанлигини ўрганишдир. Шундай қилиб, ушбу телескоп ўзгарувчан объектларни аниқлаш учун ҳамда уларнинг фотометрик мониторинги учун тўғри келади. Телескоп рақамли тасвирлар кўринишида катта ҳажмдаги кузатув маълумотларини беради, тадқиқот мақсадлари эса олинган тасвирларни дарҳол қайта ишлашни ва уларнинг кейинги таҳлилини талаб қилади.

Шу мақсадда ҳамма тасвирлар бўйича осмон фонининг ҳиссасини ҳисоблаш усули ва дастурини ишлаб чиқиш, экваториал координаталар астрометрик калибровкасига ва инструментал юлдуз катталикларининг фотометрик тузатмаларига таъсир қилувчи омилларни ахтариш бўйича бир қатор вазифалар белгиланди. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун Девасталь обсерваториясидаги 1.3 м телескопида 2013 ва 2014 йилларда олинган маълумотлардан фойдаландик.

Кузатувлар натижасида ўлчами  $30K \times 2K$  пиксел бўлган икки ўлчамли сурат олинади. ЗАҚ-детектор шундай йўналтирилганки, бунда суратдаги координаталар вертикал ўқи экваториал координаталар системасидаги  $\delta$  оғишга, горизонтал ўқи эса  $\alpha$  тўғричиқишга мос келади. Осмон фонининг мураккаблиги бир қатор омилларга боғлиқ. Тасвирнинг мумтоз ҳолатида, осмон фонининг ўртача қиймати суратдан чиқарилади. Бизнинг вазиятимизда бундай ёндашув нотўғри бўлар эди, чунки оддийгина ўртача қийматни олиб ташлаш ҳеч нима бермайди. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун биз осмон фонининг локал ўзгаришларини иложи борича аниқроқ ҳисобга олишга имкон берувчи босқичма-босқич алгоритмдан фойдаландик.

Астрометрик калибровкага таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш, биринчи навбатда, пикселларнинг ўзгарувчан бурчак масштабини ва Ернинг прецессиясини ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатди. Биринчи устундаги юлдуз вақтини, тасвир ўртасининг оғишини (кузатувнинг географик ўрни), объектларнинг тўғрибурчакли (декарт ситемаси) координаталарини билган ҳолда кузатув давридаги (эпохасидаги) уларнинг экваториал координаталарини топиш мумкин. Ернинг прецессия формуласидан фойдаланиб, 2000 йил эпохаси учун каталог координаталарига ўтиш мумкин. Стандартга нисбатан юлдуз катталикларининг фотометрик тузатмаси умуман олганда оддий, бу ерда чизикли тузатма коэффициенти топилиши керак холос. Бу қиймат танланган таянч фотометрик юлдузларнинг равшанлигини уларнинг инструментал юлдуз катталиклари билан таққослаш орқали топилади.

## ХУЛОСА

“Танланган гравитацион линзаланган квазарларнинг ПЗС-фотометрияси ва кенг майдонлар ҳолатлари” мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Тадқиқот объектларининг мониторинг кузатувлари бажарилди. Танланган икки ва тўрт компонентли объектлар учун ушбу ПЗС-кузатувлари қайта ишланди, V, R ва I филтрларида равшанлик эгри чизиклари ҳосил қилинди ва улар тадқиқ қилинди. Улар шуни кўрсатдики, барча қаралаётган объектларнинг манба-квазарлари ўзларининг равшанлигини узлуксиз равишда ўзгартирган, бунда икки компонентлилар учун ўзгариш чегараси ўртача  $\Delta m \sim 0.5^m$  бўлиб, тўрт компонентлиларда эса  $\Delta m \sim 0.3^m$  ни ташкил қилган, бу эса икки компонентлиларга қараганда сезиларли даражада кичик. Компонентлар равшанлигининг ўзгариши манбанинг ностационарлиги (чақнашлар, аккреция жараёнининг нотекислиги ва бошқалар) ва микролинзаланиш билан боғлиқ.

2. Икки турдаги микролинзаланиш аниқланди: равшанлик ўзгаришининг жадаллигига боғлиқ ҳолда улар ( $\sim 10^{-4}$  m/кунига) фонли ва кучли ( $\sim 10^{-3}$  mag/кунига) бўлиши мумкин, давомийлигига қараб эса узоқ даврли (бир йилдан кўп) ва қисқа даврли (бир йилгача) бўлади. Микролинзаланиш бўйича бизнинг натижаларимиз Х. Виттнинг тўрт

компонентли тизимларда микролинзаланиш ҳар доим мавжуд ва улар умумий табиатга эга деган фаразини тасдиқлайди.

3. SBS1520+530 ГЛКда илк бор, 10 йилдан ортиқ давомийликка эга узоқ муддатли микролинзаланиш эффекти топилди. Бундан ташқари, квазар равшанликнинг даврий кичик амплитудали ўзгаришларини бошдан кечираётгани ҳам аниқланди.

4. FBQ0951+263 ГЛКда илк бор юқоридаги ҳолдаги каби, айнан узун даврли микролинзаланиш қисқа даврлидан устунлик қилиши кўрсатилди. Ушбу тизимда микролинзаланиш 10 йилдан ортиқ вақт мобайнида давом этган ва бу ерда В компонентага микролинзаланиш таъсирининг камайиш жараёни рўй берган.

